N 13 (194) • 2009 йил 21 март

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ

**Президентнинг 2009 йил 27 февралдаги ПФ-4087-сон Фармони билан Президентнинг бир қатор Фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Барча ҳужжатлардаги «бошқа тўловлар» сўзлари «бошқа мажбурий тўловлар *(кейинги ўринларда – бюджетга тўловлар)*» сўзлари билан алмаштирилди, «даромад (фойда)» сўзлари эса «фойда» сўзи билан алмаштирилди. Президентнинг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон Фармонига киритилган ўзгартишга мувофиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномаси ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар сони, шунингдек унитар (шуъба) корхоналар, ваколатхоналар ҳамда филиалларда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади. Ҳужжатларга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

* * *

**Президентнинг 2009 йил 27 февралдаги ПҚ-1062-сон қарори билан Президентнинг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритилди**, уларга мувофиқ барча ҳужжатлардаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги низомнинг *(Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган)* бутун матнида «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари чиқариб ташланди. Белгиланишича, инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун **давлат божи** ундирилади, унинг ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Тушган маблағларнинг 60 фоизи инспекцияларни молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг тасарруфида қолади, қолган маблағлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Президентнинг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига *(2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон)* киритилган ўзгартишларга мувофиқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга алкоголли маҳсулотни маркировка қилиш учун акциз маркалар бериш фақат улар томонидан акциз маркалар номинал қийматининг 50 фоизи тўлангач, импортёрларга эса – акциз солиғининг тўлиқ суммаси тўлангандан кейин амалга оширилади.

## ГЎШТ ВА СУТНИ ЮРИДИК ШАХСЛАР ҚАЙТА ИШЛАЙДИЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 мартдаги 58-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* **билан Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига *(2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон)* қўшимча киритилди.** 2009 йил 1 июлдан бошлаб унга гўштдан ярим тайёр маҳсулотлар, колбаса маҳсулотлари, гўшт ва балиқ консерваларини саноат йўли билан қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш ҳамда хом сутни саноат йўли билан қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари (пастеризация қилинган сут, сливка, қаймоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари), шу жумладан пишлоқ, бринза, мол ёғи, болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари, қуруқ сут, музқаймоқ ва қуйилтирилган сут ишлаб чиқариш ҳам киради.

## ОБОДОНЛАШТИРИШ УЧУН

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*.

Белгиланишича, юридик ва жисмоний шахслар – аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари, шу жумладан ижарачилари ўзларига бириктирилган ер участкаси ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши учун масъул ҳисобланадилар.

Ободонлаштириш ишларини амалга оширишдан бош тортганлик ёки ободонлаштириш қоидаларини бузганлик учун кўрсатиб ўтилган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

## АДВОКАТЛАР УЧУН НИЗОМЛАР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чоп этилмоқда)* **билан қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланди:**

– **Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом**. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Адлия вазирлиги ва унинг бошқармалари томонидан Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Уни олишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт. Лицензияларни доимий яшаш жойидаги адлия органлари беради. Улар республиканинг бутун ҳудудида амал қилади, уларнинг амал қилиш муддати эса чекланмайди;

– **Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низом.** Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Улар муассисларига қўйиладиган талаблар ва рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати белгиланган. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тартиби бузилганда, шунингдек таъсис ҳужжатларининг талабларига риоя этилмаганда адлия органи адвокатлик тузилмасидан хўжалик суди орқали энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бабаробаригача миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ставкалари белгиланган. Фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмалари ва уларда ишлаётган адвокатлар давлат божлари ва йиғимлари тўлашдан озод қилинганлар.

## АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР НОММА-НОМ АЙТИЛАДИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2009 йил 7 мартда 1212-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* 2003 йил 29 январдаги 1212-сон Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритилди.** Аниқлик киритилишича, мазкур Низом инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари, уларнинг инвестиция активларини бошқарувчи компанияларининг, шунингдек банкларнинг аффилланган шахсларига татбиқ этилмайди. Очиқ акциядорлик жамияти ҳар йили уларга тегишли бўлган акцияларнинг миқдори ва турларини кўрсатган ҳолда аффилланган шахслар рўйхатини у тузилган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда чоп этиши шарт. Акциядорлик жамияти аффилланган шахслар ҳисобини юритиш шартномаси бўйича уларнинг ҳисобини юритиш ҳамда рўйхатини тузишни мазкур акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрини юритадиган ва сақлайдиган ихтисослашган реестр тутувчига топширишга ҳуқуқини назарда тутувчи меъёр чиқариб ташланди.

**2009 йил 17 мартдан кучга кирди.**

## АХБОРОТ ЙИҒИШ ВА АЙИРБОШЛАШ ТАРТИБИ

**Молия вазирлиги, Марказий банк бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2009 йил 7 мартда 1914-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақида низом тасдиқланди.**

ДСҚ ўзининг ахборотлар базасидан ҳар ойда Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш марказига солиқ тўловчиларнинг СТИР тўғрисидаги маълумотни, шунингдек ҳисобланган, тўлов муддати кечиктирилган ва мақсадли схемалар бўйича ўтказилган суммалар тўғрисидаги маълумотни бериши кераклиги белгиланган. Банклар эса ҳар куни Марказий банкка шартли ҳисобварақлар рақами кесимида 23402-«Республика бюджетининг маблағлари» баланс ҳисобварақларидаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисида шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалардан маълумот беришлари керак, МБ мазкур маълумотларни Молия вазирлигига юборади. Молия вазирлигининг Ахборот-ҳисоблаш маркази Ахборот тизимининг маълумотлар базаси Давлат бюджетига тушумлар тўғрисида оператив маълумотларни Молия вазирлиги ва ДСҚга тезкор тақдим этиш ва Давлат бюджетига тушумлар суммасини солиқ тўловчилар кесимида, уларнинг шахсий ҳисобварақларидан ҳисобланган суммалар ҳисобини юритиш мақсадида қабул қилинаётган маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва айирбошлашни таъминлайди.

**2009 йил 17 мартдан кучга кирди.**

## ҲАММАСИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан *(АВ томонидан 2009 йил 7 мартда 1915-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисида низом тасдиқланди.** Профессионал иштирокчи назарда тутилган ҳолатлар бўйича қимматли қоғозлар бозорида амалга оширадиган операциялар ва битимларининг, шу жумладан иш юритиш, меҳнат муносабатлари, бухгалтерия фаолияти ва молиявий ҳисобот бўйича ҳужжатларнинг ҳисобини юритиши, сақлаши, ҳимоя ва ҳужжатларнинг тикланишини таъминлаши шарт. Ҳужжатлар ҳисоби юритилиши ва сақланишини ташкиллаштириш мақсадида у белгиланган шаклда тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасига эга бўлиши шарт.

**2009 йил 17 мартдан кучга кирди.**

* * *

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан *(АВ томонидан 2009 йил 9 мартда 1919-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида низом тасдиқланди.**

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузиш ва уларнинг рўйхатга олинишига йўл қўйилмайдиган ҳоллар белгиланган. Биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш ушбу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни ва уларнинг ҳисобини юритишни амалга оширувчи рўйхатга олувчи томонидан бажарилади. Ҳужжат билан Трансфер-агентни жалб этиш орқали тузилган, давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслар томонидан тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни, гаров битимларини, қимматли қоғозларни ишончли бошқариш битим (шартнома)лари рўйхатга олинишининг ўзига хос хусусиятлари тартибга солинган, шунингдек ҳисоб регистрини юритишга қўйиладиган талаблар белгиланган.

**2009 йил 19 мартдан кучга кирди.**

*Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 28 февралдан 13 мартгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 10-11-сони асосида тайёрланди.*

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

1. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 20 февралдаги 208-аф-сонли буйруғига асосан «Namangankonsauditinform» вилоят маркази ёпиқ акциядорлик жамиятига 2008 йил 12 мартда берилган 00375-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 20 февралидан тугатилди».
2. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 2 мартдаги 209-аф-сонли буйруғига асосан «Agromashaudit» масъулияти чекланган жамиятига 2008 йил 14 апрелда берилган 00006-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 2 мартидан тугатилди».

***ЎзР молия вазири ўринбосари М.МИРЗАЕВ.***

УШБУ СОНДА

1-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар
2-3-бетлар — Бизнинг маслаҳатлар
4-бет — Низолар судда ҳал этилди
5-8-бетлар — Янги қонун ҳужжатлари

$1 = 1422,58 сўм  €1 = 1999,44  £1 = 2186,79 сўм  ¥10 = 144,94 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
www.interpress.uz
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

## МАОШ ЎЗГАРТИРИЛМАЙДИ

***Корхонада ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйидаги шартларини киритиш режалаштирилмоқда:***
***– ой ўртасида уларга бўнак сифатида лавозим маошининг 40 фоизи тўланади;***
***– лавозим маошининг қолган қисми ой якунлари бўйича ишлаб чиқариш фаолиятига доир асосий кўрсаткичлар бажарилишига қараб тўланади.***
***Корхона маъмурияти меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай шартларини жорий этишга ҳақлими?***

**Корхона ходимлари.**

– Аввало шуни таъкидлаш лозимки, корхона раҳбарияти таклиф этаётган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари тўғри эмас.

Иш ҳақи икки қисмга бўлинади: асосий ёки доимий ва қўшимча – вақтинчалик қисмга. Доимий қисм ходимнинг тариф ставкаси (лавозим маоши) бўлиб, у лавозим йўриқномасида назарда тутилган хизмат вазифаларини бажарганлик учун белгиланади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг кафолатланган қисми ҳисобланади. Яъни у корхона фаолияти кўрсаткичларидан қатъи назар тўланади.

Иш ҳақининг қўшимча – вақтинчалик қисмига мукофотларнинг турли кўринишлари киради. Уларни тўлаш шартлари одатда мукофотлаш тўғрисидаги махсус локал низомлар билан белгиланади ва асосан ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлади.

• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасда
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

***Компенсация тўловлари жумласига, хусусан, табиий иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойларда ишлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар ҳам киради. Бундай минтақалар рўйхати ва меҳнатга тўланадиган ҳақни ошириш мақсадида улар учун белгиланган туман коэффициентининг миқдори ҳукумат қарорлари билан назарда тутилади. Бугунги мақоламизда туман коэффициентини қўллаш амалиётидан бир мисолни кўриб чиқамиз.***

# + ТУМАН КОЭФФИЦИЕНТИ

### ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН ИШ ОЙИ ДАВОМИДА ИШЛАГАН ХОДИМГА ТУМАН КОЭФФИЦИЕНТИНИ ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

***Ходим ҳисобга олинадиган календарь ойида белгиланган 21 иш куни ўрнига 18 иш куни ишлаган. Ушбу даврда унга 125 300 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган.***

***Ушбу ҳудудда туман коэффициенти 1,15 миқдорида белгиланган.***

***Ҳисоб-китоб даврида энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ) миқдори 28 040 сўмни ташкил этади.***

***Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги «Пенсиялар, стипендиялар ва бюджетдаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш чоралари тўғрисида» 407-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, коэффициентлар республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан ошмайдиган иш ҳақига ҳисобланади. Агар иш ҳақи ушбу суммадан ортиқ бўлса, у энг кам иш ҳақининг тўрт бараварига тенг қисмига ҳисобланади.***

***Ҳисоб-китоб давридаги ЭКИҲнинг тўрт баравари:***
***28 040 сўм х 4 = 112 160 сўмни ташкил этди.***
***Туман коэффициенти бўйича тўлов миқдори:***
***112 160 сўм х 0,15 = 16 824 сўмни ташкил этди.***
***Ходимнинг туман коэффициенти ҳисобга олинган иш ҳақи:***
***125 300 сўм + 16 824 сўм = 142 124 сўмни ташкил этди.***
***Тўлиқ бўлмаган иш ойи давомида ишлаган ходимга туман коэффициентини қўллаш бўйича ҳисоб-китоб тўғри амалга оширилганми?***

**И.Г., бухгалтер.**

– Ҳисоб-китоб нотўғри амалга оширилган. Ходим тўлиқ бўлмаган иш ойи давомида ишлаган тақдирда, унинг иш ҳақига коэффициент тўлиқ иш ойи учун иш ҳақининг шартли суммасидан келиб чиқиб қўлланилади.

Ходим ҳисобга олинадиган календарь ойида 18 иш куни ишлаган. Ушбу давр учун унга 125 300 сўм иш ҳақи ҳисоблаб ёзилди. Ходимнинг бир кунлик иш ҳақи 6 961,1 сўмга (125 300 сўм / 18) тенг.

Ходимнинг шартли бир ойлик иш ҳақи 146 183,1 сўмни (6 961,1 сўм х 21 иш куни) ташкил этади.

Энг кам иш ҳақининг тўрт баравари 112 160 сўмга (28 040 сўм х 4) тенг.

Туман коэффициенти бўйича тўлов миқдори:
112 160 сўм х 0,15 = 16 824 сўмни ташкил этади.

Ходимнинг туман коэффициенти ҳисобга олинган шартли тўлиқ иш ойи учун иш ҳақи 163 007,1 сўмга (146 183,1 сўм + 16 824 сўм) тенг.

Ходимнинг туман коэффициенти ҳисобга олинган ҳолдаги бир кунлик иш ҳақи миқдори 7 762,2 сўмни (163 007,1 сўм / 21 иш куни) ташкил этади.

Ходимга 18 иш куни учун туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда 139 719,6 сўм (7 762,2 сўм х 18 иш куни) иш ҳақи ҳисоблаб ёзилиши керак.

## ЧОРАКЛИК МУКОФОТ ТЎЛАНГАНДА ХОДИМНИНГ ИШ ҲАҚИГА ТУМАН КОЭФФИЦИЕНТИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

***Чораклик мукофот тўланган тақдирда туман коэффициентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисоб-китоб қиламиз.***

***Ходимга бир чорак учун қуйидагича иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган:***

***январь ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;***
***февраль ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;***
***март ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;***
***чораклик мукофот – 66 000 сўм.***

***Ҳудудда туман коэффициенти – 1,15 ҳамда чўл ва сувсиз ҳудудда ишлаганлик учун коэффициент – 1,2 миқдорида белгиланган.***

***Уларни қўллаганда икка коэффициент қўшилиб, 1,35 ҳосил бўлади.***

***Ҳисоб-китоб даврида республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 28 040 сўмни ташкил қилган. Унинг тўрт баравари:***
***28 040 сўм х 4 = 112 160 сўмни ташкил этади.***

***Ходимга январь ойи учун йиғма коэффициент бўйича ҳисоблаш мақсадида энг юқори миқдор (112 160 сўм)дан ошмайдиган иш ҳақи ҳисобланганлиги боис, коэффициент ҳисоблаб ёзилган иш ҳақига қўлланилади. Йиғма коэффициент бўйича тўлов миқдори:***
***66 000 сўм х 0,35 = 23 100 сўмни ташкил этади.***
***Йиғма коэффициентни ҳисобга олган ҳолда январь ойи учун иш ҳақи:***
***66 000 сўм + 23 100 сўм = 89 100 сўмни ташкил этади.***

***Февраль ойида ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи йиғма коэффициент бўйича ҳисоблаш учун энг юқори миқдордан ошмаганлиги сабабли, ушбу ойда ҳам худди шундай ҳисоб-китоб қилинади.***

***Ходимга март ойи учун ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:***
***66 000 сўм + 66 000 сўм = 132 000 сўмни ташкил этади.***

***У йиғма коэффициент бўйича ҳисоблаш учун энг юқори миқдор (112 160 сўм)дан кўп бўлганлиги боис, йиғма коэффициент бўйича тўлов:***
***112 160 сўм х 0,35 = 39 256 сўмни ташкил этади.***

***Чораклик мукофот ва йиғма коэффициентни ҳисобга олган ҳолда март ойида ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:***
***66 000 сўм + 66 000 сўм + 39 256 сўм = 171 256 сўмни ташкил этади.***

***Текширув пайтида ҳисоб-китобларни нотўғри амалга оширганлигимизни кўрсатиб ўтишди. Бироқ биз ҳар доим (1998 йилда ишга киргунимга қадар ва мен ишлаган вақтда) шундай ҳисоб-китоб қилганмиз ва бугунга қадар ҳеч қандай эътироз билдирилмаган эди. Туман коэффициенти ва чораклик мукофотни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи қандай тўғри ҳисобланади?***

**Корхона бухгалтери.**

– Сиз қилган ҳисоб-китоб нотўғри. Чораклик мукофотни ҳисоблаб ёзиш чоғида ҳисоб-китоб қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ходимга бир чорак учун:
январь ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;
февраль ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;
март ойида – тўлиқ иш ойи учун 66 000 сўм вақтбай иш ҳақи;
чораклик мукофот – 66 000 сўм миқдорида ҳисоблаб ёзилган.

Иккала коэффициент йиғиндиси 1,35 ни ташкил этади (1,15 + 1,2). Йиғма коэффициент бўйича тўлов:
66 000 сўм х 0,35 = 23 100 сўмни ташкил этади.

Йиғма коэффициентни ҳисобга олган ҳолда январь ва февраль ойларида ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:
66 000 сўм + 23 100 сўм = 89 100 сўмни ташкил этади.

Март ойида аввал чораклик мукофотсиз йиғма коэффициент ҳисобга олинган иш ҳақи ҳисобланади:
66 000 сўм + 23 100 сўм = 89 100 сўм.

Шундан сўнг чораклик мукофотсиз йиғма коэффициент ҳисобга олинган чорак учун иш ҳақининг якуний суммаси аниқланади:
89 100 сўм + 89 100 сўм + 89 100 сўм = 267 300 сўм.

Март ойида ҳисоблаб ёзилган чораклик мукофот ҳисобга олинадиган чоракнинг ҳар ойида 1/3 сифатида ҳисобга олиниши керак, яъни 66 000 сўм / 3 = 22 000 сўм.

Чораклик мукофотни ҳисобга олганда январь ойи учун ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:
66 000 сўм + 22 000 сўм = 88 000 сўмни ташкил этади.

Йиғма коэффициент бўйича тўлов:
88 000 сўм х 0,35 = 30 800 сўмни ташкил этади.

Чораклик мукофот ва йиғма коэффициентни ҳисобга олган ҳолда январь ойида ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:
88 000 сўм + 30 800 сўм = 118 800 сўмни ташкил этади.

Февраль ва март ойлари учун ҳам худди шундай ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу ойларда чораклик мукофот ва йиғма коэффициентни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи:
88 000 сўм + 30 800 сўм = 118 800 сўмни ташкил этади.

Бир чорак учун иш ҳақининг якуний суммаси иш ҳақига чораклик мукофотга йиғма коэффициентни ҳисоблаб ёзишни ҳисобга олганда:
118 800 сўм + 118 800 сўм + 118 800 сўм = 356 400 сўмни ташкил этади.

Йиғма коэффициентни ҳисобга олганда март ойида тўланадиган мукофот миқдори:
356 400 сўм – 267 300 сўм = 89 100 сўмни ташкил этади.

Бир чорак давомида ходимга йиғма коэффициентни (туман + чўл ва сувсиз ҳудудда ишлаганлик учун) ҳисобга олганда қуйидаги миқдорда иш ҳақи ҳисобланиши керак:
январь ойида – 66 000 сўм + 23 100 сўм = 89 100 сўм;
февраль ойида – 66 000 сўм + 23 100 сўм = 89 100 сўм;
март ойида – 66 000 сўм + 23 100 сўм + 89 100 сўм = 178 200 сўм.

***Жавоблар «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 17 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 932,36 | 1 Малайзия ринггити | 385,00 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2186,79 | 1 Польша злотийси | 410,15 |
| 1 Дания кронаси | 246,04 | 1 СДР | 2097,17 |
| 1 БАА дирҳами | 387,33 | 1 Туркия лираси | 836,22 |
| 1 АҚШ доллари | 1422,58 | 1 Швейцария франки | 1196,25 |
| 1 Миср фунти | 251,34 | 1 ЕВРО | 1999,44 |
| 1 Исландия кронаси | 12,56 | 10 Жанубий Корея вони | 9,80 |
| 1 Канада доллари | 1116,45 | 10 Япония иенаси | 144,94 |
| 1 Хитой юани | 208,03 | 1 Россия рубли | 40,84 |
| | | 1 Украина гривнаси | 184,75 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 19.03.2009 | 1 | 0,8026 | 1 | 1,0797 | 1 | 0,0236 |
| Арманистон | 19.03.2009 | 1 | 372,89 | 1 | 502,92 | 1 | 11,04 |
| Беларусь | 20.03.2009 | 1 | 2810,00 | 1 | 3790,41 | 1 | 83,08 |
| Грузия | 19.03.2009 | 1 | 1,66 | 1 | 2,1575 | 1 | 4,8227 |
| Қозоғистон | 20.03.2009 | 1 | 150,93 | 1 | 203,42 | 1 | 4,47 |
| Қирғизистон | 14.03.2009 | 1 | 42,1152 | 1 | 54,5518 | 1 | 1,2091 |
| Латвия | 20.03.2009 | 1 | 0,522 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0154 |
| Литва | 20.03.2009 | 1 | 2,5573 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,5823 |
| Молдова | 19.03.2009 | 1 | 10,8598 | 1 | 14,1514 | 1 | 0,3148 |
| Тожикистон | 20.03.2009 | 1 | 3,8064 | 1 | 4,9501 | 10 | 1,1323 |
| Ўзбекистон | 17.03.2009 | 1 | 1422,58 | 1 | 1999,44 | 1 | 40,84 |
| Украина | 19.03.2009 | 100 | 770,00 | 100 | 1011,01 | 10 | 2,2371 |
| Эстония | 19.03.2009 | 1 | 11,603 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,343421 |

**Манба: www.prime-tass.ru**

**УШБУ СОНДА:**

**• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз *1-бет*
**• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– + туман коэффициенти
– Маош ўзгартирилмайди
– Кунларни ҳисоблаймиз
– Номоддий активми ёки арзон актив?
– Агар давлат ягона муассис бўлса *2-3-бетлар*
**• ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
– Товарнинг божхона қиймати камайтирилган эди *4-бет*
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:**
– «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**
– ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.
**Меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 7 февралдан 27 февралгача бўлган маълумот.** *5-8-бетлар*
**• top** *9-12-бетлар*

# ТОВАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ КАМАЙТИРИЛГАН ЭДИ



## ИШНИНГ МОҲИЯТИ

***Хорижий фирма Ўзбекистонга МЧЖ учун товар олиб келди, у БЮД асосида «эркин муомала учун» режимида расмийлаштирилди. Кейинроқ божхона органи товарнинг божхона қийматига тузатиш киритиб, божхона тўловлари суммасини қўшимча равишда ҳисоблаб ёзди. Унинг бир қисми МЧЖ ҳисоб-китоб рақамидан қўйилган инкассо топшириқномаси асосида ҳисобдан чиқарилди. Божхона органи судга ундирувни МЧЖ мол-мулкига қаратиш йўли билан божхона тўловлари бўйича қарз қолдиғини ундириш даъвосини тақдим қилди.***

***Биринчи инстанция суди даъво талабларини қондирмади. Апелляция инстанцияси унинг ҳал қилув қарорини бекор қилди ва даъво талабларини қондириш тўғрисида янги ҳал қилув қарорини қабул қилди. Бунга қўшилмаган МЧЖ апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилиш ва биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартишсиз қолдириш тўғрисида кассация шикояти берди.***

### БОЖХОНА ОРГАНИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Божхона расмийлаштируви чоғида МЧЖ товарнинг божхона қийматини пасайтирган, шу сабабли у божхона тўловларини қўшимча равишда тўлаши керак.

### МЧЖнинг ПОЗИЦИЯСИ

Товарнинг қиймати божхона расмийлаштируви чоғида МЧЖ эълон қилган нархлар асосида белгиланиши керак. Бинобарин, пул маблағларини сўзсиз ҳисобдан чиқариш ва ундирувни унинг мол-мулкига қаратиш асоссиз.

## СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати иш материалларини ўрганиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни аниқлади:

– Ўзбекистон ҳудудига МЧЖ номига товар олиб келинган, товарнинг божхона расмийлаштируви чоғида унинг қиймати 38 млн сўм деб белгиланган;

– божхона органи товар ишлаб чиқарувчининг мамлакатига ундан экспорт қилинаётган товарга доир ўртача нархлар тўғрисида сўров юбориб, олинган ахборот асосида товар қийматини 167 млн сўм деб белгилади;

– давлат органи қўшимча равишда ҳисоблаб ёзган, инкассо топшириқномаси қўйган ва МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамидан 16 минг сўмни ҳисобдан чиқарган;

– қўшимча ҳисобланган сумма қолдиғини субъект ихтиёрий равишда тўламаган, шу боис божхона органи даъво билан судга мурожаат қилган.

Кассация ҳайъати қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни белгилади:

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш йўриқномасининг *(АВ томонидан 1998 йил 13 январда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 390-сон Йўриқнома)* 9.1-бандига кўра божхона органи товар қиймати тўғрисида қўшимча ахборот олиш ҳуқуқига эгадир. Бунда унинг расмийлаштирилиши ва чиқариб юборилиши белгиланган тартибда амалга оширилиши керак;

– БҚТ-1 ва БҚТ-2 божхона қийматини тузатиш шаклларини тўлдириш бўйича йўриқноманинг *(АВ томонидан 2000 йил 20 апрелда 920-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 920-сон Йўриқнома)* 5 ва 8-бандларига мувофиқ, эълон қилинган божхона қийматининг ҳақиқий божхона қийматига номувофиқлиги аниқланган тақдирда божхона органи товар эркин муомала учун чиқарилганидан ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилганидан кейин унга тузатишлар киритишга ҳақлидир;

– БКнинг 112-моддасига кўра белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари сўзсиз тартибда ундирилиши керак;

– Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомнинг *(МБ бошқарувининг АВ томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1122-сон Низом)* 41-44-бандларига мувофиқ божхона органлари муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириш тўғрисида инкассо топшириқномаларини қўйиш ҳуқуқига эгалар;

– Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси тўғрисида низомнинг *(Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори билан тасдиқланган)* 9-банди ўн бешинчи хатбошисига кўра божхона органи банкка қўшимча ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари суммаларини хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб-китоб рақамидан сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисида топшириқ беришга ҳақлидир.

Юқорида баён этилганлар асосида ва Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг 187 ҳамда 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати кассация шикоятини қониқтирмасдан, апелляция инстанциясининг қарорини эса ўзгартиришсиз қолдирди.

NORMA

ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМ

ТЕКШИРИШЛАР: А дан Я гача

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

## ШАРҲ

*Божхона расмийлаштируви чоғида товар қийматини аниқлаш 6 усулни кетма-кет қўллаш йўли билан амалга оширилади (390-сон Йўриқноманинг 2.1-банди). Кўриб чиқилган низода декларант божхона қийматини 1-усул асосида – олиб кирилган товар билан битимнинг қиймати бўйича аниқлаган. Ундан қиймат асосида тузилган битимлар бўйича божхона қиймати сифатида фойдаланилганида ҳақиқатдаги нарх, яъни харидор ҳақиқатан тўлаган ёки тўланиши керак бўлган нарх қабул қилинади. Декларант томонидан эълон қилинадиган божхона қиймати ва уни аниқлашга тааллуқли маълумотлар ишончли, миқдори белгилаб бўладиган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотга асосланиши керак (390-сон Йўриқнома 3.3-бандининг биринчи хатбошиси).*



*Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг божхона қийматини эълон қилиш ва назорат қилиш қоидалари (АВ томонидан 2000 йил 22 февралда 899-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – Қоидалар) II бўлимининг 5-бандига кўра қуйидагилар тегишли ҳолларда эълон қилинган божхона қийматини тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади:*

*– товарни олиб ўтаётган шахснинг таъсис ҳужжатлари;*

*– шартнома (контракт) ва унга доир қўшимча битимлар (агар улар назарда тутилган бўлса);*

*– ҳисобварақ-фактура (инвойс) ва банк тўлов ҳужжатлари (агар ҳисобварақ тўланган бўлса) ёки ҳисобварақ-проформа (шартли қиймат битимлари учун), шунингдек товар қийматини тасдиқлайдиган бошқа тўлов ва (ёки) бухгалтерия ҳужжатлари;*

*– етказиб бериш шартларига боғлиқ ҳолда, агар улар мавжуд бўлса, транспорт ва суғурта ҳужжатлари;*

*– транспорт харажатлари ҳисобварақ-фактурага киритилмаган ҳолларда ташиш ёки транспорт харажатларининг расман тасдиқланган калькуляцияси учун тўловнома (счёт);*

*– жўнатиш мамлакатининг божхона декларацияси (агар мавжуд бўлса);*

*– ўров варақлари ва бошқалар.*

*Агар юқорида кўрсатилган ҳужжатлар товарларнинг божхона қийматини аниқлаш учун етарли бўлмаса, божхона органининг талабига кўра декларант қўшимча маълумотларни тақдим этиши шарт. Булар: битимга алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар; учинчи шахсларга тўловлар учун сотувчи фойдасига тўловномалар (счётлар); баҳоланаётган товар билан битимга алоқадор бўлган воситачилик, брокерлик хизматлари учун тўловномалар (счётлар); бухгалтерия ҳужжатлари; лицензион ёки муаллифлик битимлари; экспорт (импорт) лицензиялари; омбор квитанциялари; етказиб беришга буюртмалар; тайёрловчи фирмаларнинг каталоглари, спецификациялари, нарх прейскурантлари (прайс-варақлари); тайёрловчи фирманинг баҳоланаётган товарга доир калькуляцияси (агар фирма уни ўзбекистонлик харидорга тақдим этишга рози бўлса) ва божхона қиймати декларациясида эълон қилинган маълумотларни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин (Қоидалар II бўлимининг 6-банди).*

*Агар декларация тўғри тўлдирилган, декларант божхона қийматини аниқлаш усулини тўғри танлаган ва қўллаган бўлса, шунингдек унда кўрсатилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса, товар эркин муомалага чиқарилиши керак.*

*Агар божхона расмийлаштируви даврида декларант эълон қилган божхона қийматини тан олиш ёки унга асосли равишда тузатиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлмаса, божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган божхона органи берилган ариза асосида* ***товарни шартли чиқариш*** *тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Мазкур ҳолда товарни шартли чиқариш шуни англатадики, товар божхона қийматини шартли (вақтинча) аниқлаш билан чиқарилади, уни узил-кесил белгилаш таомили, башарти декларант зарур қўшимча маълумотларни товарни шартли чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойдан ошмайдиган муддатда тақдим этса, товар чиқарилганидан кейин амалга оширилади. Бунда шартли чиқарилган товарлардан эълон қилинган божхона режимига мувофиқ фойдаланишга йўл қўйилади (Қоидалар I бўлими 9-бандининг иккинчи хатбошиси). Декларант томонидан зарур маълумотлар тақдим этилганида божхона органи божхона қиймати тўғрисида қарор қабул қилади ва божхона тўловларининг якуний қайта ҳисоб-китобини амалга оширади.*

*Агар муддат тугаганидан кейин декларант ўзи эълон қилган божхона қийматини ҳужжатлар билан тасдиқлай олмаса, божхона органи уни баҳолаш усулларини кетма-кет қўллаш йўли билан аниқлашга ҳақлидир (Қоидалар II бўлими 20-бандининг иккинчи хатбошиси). Бунда усулни танлаш тўғрисидаги қарор декларант тақдим этган қўшимча ахборот асосида, шунингдек давлат органида мавжуд бўлган маълумотлар – ташқи савдода муомалада бўлган товарларга маълумот нархлари; божхона расмийлаштируви илгари амалга оширилган айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар бўйича маълумотлар; тайёрловчининг калькуляциялари ва нархномалари ва бошқалар асосида қабул қилинади*.*

*Тадбиркорлик субъектлари шуни ҳам эътиборда тутишлари лозимки, БК 51-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ божхона органи товар чиқарилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилгани хусусида гумон қилиш учун асослар мавжуд бўлса, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайтадан текширишга ҳақлидир. Бунда товарнинг божхона қийматига тузатиш киритишга божхона қийматини вақтинча (шартли) баҳолаш билан биргаликда у танлаган божхона режимига мувофиқ товар унинг эгасига (декларантга) фойдаланишга тақдим этилганидан кейин, шунингдек товар эркин муомалага чиқарилганидан кейин йўл қўйилади. Сўнгги ҳолда кўрсаткичларга, 920-сон Йўриқноманинг 8-бандига кўра, қуйидаги ҳолларда тузатиш киритиш мумкин:*

*– товар декларацияланаётганда йўл қўйилган ва божхона қийматининг миқдори ва (ёки) таркибига таъсир кўрсатган техник хатолар аниқланганида;*

*– кейинги текширув ўтказилиши давомида нотўғри декларациялаш аниқланган ҳолларда;*

*– олиб кирилган/олиб чиқилган товарнинг миқдор ва (ёки) сифат бўйича контракт (шартнома) шартларидан тафовут қилишлари муносабати билан эълон қилинган божхона қийматининг божхона декларацияси қабул қилинган санадаги товарнинг ҳақиқий қийматига номувофиқлиги аниқланган ҳолларда;*

*– ундириладиган божхона тўловларининг суммалари ўзгарган ҳолларда (масалан, товарларнинг келиб чиқиш сертификати тақдим этилганида ортиқча тўланган суммаларни қайтариш, имтиёзлар берилган товарлар бўйича божхона тўловлари қўшимча тўланган ҳоллар, божхона тўловларини тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганлиги учун фоизларни тўлаш ва ҳоказо);*

*– савдо битимига доир ҳолатлар ўзгарганида (товарнинг бир қисмини бошқа шахсга бериш ва ҳоказо);*

*– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.*

*Агар товарнинг божхона қийматига нотўғри декларациялаш туфайли тузатиш киритилган бўлса, декларант ёки унинг вакили бўлган шахс хўжалик судининг қарорига асосан тўланадиган божхона тўловлари суммасининг 50 дан 150 фоизгача миқдорида жарима тўлаши керак (БКнинг 167-моддаси), шунингдек божхона органлари томонидан инкассо топшириғини қўйиш йўли билан (1122-сон Низом 41-бандининг «б» кичик банди) унинг ҳисоб-китоб рақамидан сўзсиз тартибда тўланадиган божхона тўловлари суммаси ҳисобдан чиқарилади. Агар тузатишлар киритиш натижасида юқорида кўрсатилган бошқа асослар бўйича божхона органи томонидан божхона тўловлари суммалари қўшимча ҳисоблаб ёзилган бўлса ҳам инкассо топшириғи қўйилади.*

*Агар импорт қилувчи (декларант) божхона органининг товар қийматини аниқлашнинг бошқа усулини қўллаш тўғрисидаги қарорига қўшилмаса, у божхона органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво билан юқори турувчи орган ёки хўжалик судига шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир (390-сон Йўриқноманинг 9.3-банди).*

**Кўрсатилган маълумотлардан фойдаланилиши тижорат, тўлов, божхона ҳужжатлари, ҳисобварақлар (тўловномалар), юкхатлар ёки уларнинг ишончлилигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.*

***Суд амалиёти «Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими томонидан таҳлил қилинди.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ**

– ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

- **МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАН 27 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 10-11-сон, 113-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–198-сон Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ–3993-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат божининг қуйидаги ставкалари белгилансин:

адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида;

юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек юридик маслаҳатхоналар тўғрисидаги низомларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошида кўрсатилган ставкаларнинг 20 фоизи миқдорида;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида.

Давлат божи суммалари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

3. Белгилансинки, адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахслар уларнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилганлиги учун тегишли адлия органларига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим тўлайдилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–198-сон Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, 2009 йилнинг 1 январигача фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмалари, шунингдек уларда ишлаётган адвокатлар 2009 йилнинг 1 июлигача адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини кўрсатиб ўтилган Қонунга мувофиқлаштириши мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси ва Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузишни;

2009 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда амалдаги адвокатлик тузилмаларини қайта рўйхатдан ўтказишни, уларда ишлаётган адвокатлар томонидан малака имтиҳонлари қайта топширилишини, уларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги лицензиялар ва адвокат гувоҳномалари берилишини;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари таркибига киритилган адвокатларга малака имтиҳонлари топширмасдан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензиялар берилишини таъминласин.

5. Фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмалари ва уларда ишлаётган адвокатлар мазкур қарорга мувофиқ тегишли равишда адвокатлик тузилмаларини қайта рўйхатдан ўтказишда ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беришда давлат божлари ва йиғимлари тўлашдан озод қилинсин.

6. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисида» 1997 йил 13 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 12-модда);

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбеки-

стон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 5 ноябрдаги 485-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 109-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазири Р.А.Мухитдинов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 9 март,*
*60-сон*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг (кейинги ўринларда малака комиссиялари деб аталади) қарорлари асосида берилади.

3. Лицензия олиш учун адвокат мақомини олишга талабгор шахс (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда бериладиган адвокатлик гувоҳномаси адвокатнинг мақомини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

4. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

5. Лицензияларни бериш талабгорнинг доимий яшаш жойидаги адлия органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

### II. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

7. Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда қуйидагилар лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиш;

адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда тақиқланмаган воситалар ва усуллардан фойдаланиш;

қонунда назарда тутилган ҳолларда тайинлов асосида жиноий ишларни кўриб чиқишда қатнашиш;

ҳар уч йилда камида бир марта ўзининг касбий малакасини ошириш.

### III. ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

8. Лицензия олиш учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда фамилияси, исми, отасининг исми ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг маълумотлари кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси;

олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий варақа;

малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисидаги малака комиссиясининг қарори;

талабгор томонидан унинг аризасини адлия органи кўриб чиқиши учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Талабгордан ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар адлия органига бевосита ёхуд почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги билдиришнома олинган ҳолда, етказиб берилади.

11. Лицензия олиш учун адлия органига тақдим этилган ҳужжатлар масъул шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда талабгорга юборилади (топширилади) ва адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

### IV. АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ЁКИ ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

12. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун талабгордан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиқиш учун ундирилган йиғим суммаси адлия органи ҳисоб рақамига ўтказилади. Талабгор берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

13. Талабгорнинг аризаси адлия органи томонидан йигирма кун муддатда кўриб чиқилади.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

Алоҳида ҳолларда, келиб тушган ҳужжатлар қўшимча, шу жумладан, мустақил экспертизадан ўтказилганда адлия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари ушбу муддатни узайтириши, бироқ 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

14. Талабгорнинг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиш натижаларига кўра адлия органи лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва талабгорни қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда хабардор қилади. Лицензия бериш тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

15. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги билдиришнома талабгорга ёзма шаклда банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгор давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан кейин икки кун муддатда берилади.

Агар талабгор лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаса адлия органи лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

16. Лицензия ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади ҳамда адлия органи раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги буюртмасига биноан босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Лицензия бланкаларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Лицензияни берган адлия органлари томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича лицензиялар реестрлари юритилади.

Реестр дафтари ип билан тикилади, рақамланади ва унинг орқа тарафида бетлар сони, дафтарни юритиш санаси (йил, кун, ой) кўрсатилади ва адлия органи раҳбарининг муҳри ва имзоси қўйилади.

17. Адлия органи қуйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этиши мумкин:

талабгор малака имтиҳонини топширган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин малака имтиҳонини қайта топширмасдан мурожаат қилса;

ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини топширмаса ёки уларни номувофиқ равишда расмийлаштирса;

юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажи бўлмаса, шунингдек адвокатлик тузилмасида камида олти ойлик стажировкадан ўтмаган бўлса;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқат бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса;

талабгор белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;

лицензиясининг амал қилиш муддати тугаган шахс қонунга мувофиқ талабгор бўлиши мумкин бўлмаган уч йиллик муддат ўтмаган бўлса.

Лицензия беришни бошқа сабабларга кўра, жумладан мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаш сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Лицензияни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга ёзма равишда ва рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), агар сабаблар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса.

Агар талабгор лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этса, ҳужжатлар адлия органи томонидан талабгорнинг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади.

19. Талабгор адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

## V. ЛИЦЕНЗИЯНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯ ДУБЛИКАТЛАРИНИ БЕРИШ

20. Талабгорнинг (адвокатнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда у бир ҳафта муддатда лицензия берган адлия органига кўрсатилган маълумотларни ва лицензияни қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган холда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунгача адвокатлик фаолиятини илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Йўқолган ёки яроқсиз холга келган лицензия ўрнига талабгор (адвокат)нинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини олиш учун талабгор (адвокат) лицензия берган адлия органига фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда лицензия дубликатини бериш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда лицензия дубликатини бериш тўғрисида ариза тақдим этади.

22. Лицензия дубликатини беришда ва лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси адлия органининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш ва лицензия дубликатини бериш талабгор (адвокат) аризаси олинган кундан бошлаб уч кун муддатда амалга оширилади.

## VI. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

23. Адвокатга гувоҳнома берган адлия органлари адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиладилар.

Адлия органи адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, адлия органи адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғайди.

24. Адвокатга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра, малака комиссиясининг қарорига асосан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

25. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида, адвокат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда, ушбу адвокатга гувоҳнома берган адлия органига аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берадилар.

## VII. ЛИЦЕНЗИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ВА ТУГАТИШ

26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органи қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол бундан мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

27. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажариб бўлганидан сўнг;

агар талабгор лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

«Адвокатура тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $3^1$-моддаси олтинчи қисмида ва $13^1$-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

касбига доир вазифаларини уч ой ичида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилиши суд қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

28. Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор, тегишли равишда адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

30. Адлия органлари лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги буйруқ чиққан кундан бошлаб уч кун муддатда бу тўғрисида адвокат мақоми тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган шахсни ёзма равишда хабардор қилади.

31. Лицензиянинг амал қилишини ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ахборот, адвокатга гувоҳнома берган адлия органи томонидан лицензиялар реестрига маълумотлар киритиш учун лицензия берган адлия органига юборилади.

Адвокатга гувоҳнома берган адлия органи адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ва тугатилганлиги тўғрисида суд-тергов органларига маълумот учун хабар беради.

### VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

32. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ (ҲИСОБГА ОЛИШ) ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказиш (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш деб аталади) ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш (кейинги ўринларда ҳисобга олиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) адвокатлик тузилмаси жойлашган жойдаги адлия органи томонидан амалга оширилади.

4. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларининг муассислари адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) эга бўлган, адвокат сифатида қасамёд қабул қилган шахслар ва адвокатлар бўлиши мумкин, юридик маслаҳатхоналар муассислари эса — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) бўлиши мумкин.

### II. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ (ҲИСОБГА ОЛИШ) УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

5. Рўйхатдан ўтказиш учун адлия органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:


НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 13 (194) • 2009 йил 21 март 8

муассис томонидан (бошқа муассислар томонидан бунинг учун ваколат берилган муассислардан бири томонидан) имзоланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

адвокатлик фирмаси ёки адвокатлар ҳайъатини ташкил этиш тўғрисидаги, уларнинг муассислари тўғрисидаги, уларнинг уставларини тасдиқлаш тўғрисидаги, раҳбарлик органларини шакллантириш тўғрисидаги (адвокатлик фирмалари ёки адвокатлар ҳайъатлари учун) маълумотларни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг протоколи;

таъсис ҳужжатларининг давлат тилидаги, нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси;

муассислар лицензияларининг нусхалари;

малака комиссияларининг адвокатнинг қасамёдини муассислар қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, агар улар адвокат мақомига эга бўлмасалар;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи, агар мавжуд бўлса — эмблема ва бошқа рамзларнинг ҳам;

давлат статистика органи томонидан берилган адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш номларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

6. Устав адвокатлик бюроси ва адвокатлик фирмасининг, устав ва таъсис шартномаси эса — адвокатлар ҳайъатининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъатининг устави уларнинг муассислари томонидан тасдиқланади, адвокатлар ҳайъатининг таъсис шартномаси эса унинг муассислари билан тузилади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг $4^3$-моддасига мувофиқ адвокатлар ҳайъатларидаги аъзолар сони ўн нафардан кам бўлиши мумкин эмас.

7. Ҳисобга олиш учун адлия органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тегишли ҳудудий бошқарманинг раҳбари томонидан имзоланган, юридик маслаҳатхона ташкил этиш зарурати асослари акс эттирган ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза;

ҳудудий бошқарма раҳбарининг юридик маслаҳатхона ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи;

юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низомнинг нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси;

ҳисобга олиш учун белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи.

8. Юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низом тегишли ҳудудий бошқарма раҳбари томонидан тасдиқланади.

### III. РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ (ҲИСОБГА ОЛИШ)

9. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза адлия органи томонидан йигирма кун муддатда кўриб чиқилади.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза адлия органи томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Адвокатлик тузилмаларини рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

10. Аризани барча зарур ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиш якунларига кўра адлия органи рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисида ёки рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Ариза берувчининг билдиришнома олгандан кейин мурожаати бўйича адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати рўйхатдан ўтказилган тақдирда қуйидагилар берилади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома;

адлия органининг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилган» белгиси қўйилган таъсис ҳужжатлари;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи, агар мавжуд бўлса – эмблемаси ва бошқа рамзлари ҳам, «тасдиқланган» белгиси билан.

12. Ариза берувчининг билдиришнома олгандан кейин мурожаати бўйича ҳисобга қўйилганда ҳудудий бошқармага қуйидагилар берилади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги гувоҳнома;

юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низом, «ҳисобга қўйилди» белгиси билан;

муҳр ва штамп намуналарининг эскизлари, «тасдиқланган» белгиси билан.

13. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги гувоҳномаларнинг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Гувоҳномаларнинг бланкалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буюртманомаси бўйича босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Гувоҳномалар бланкаларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

14. Адлия органлари томонидан рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни бериш билан бир вақтда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича адвокатлик тузилмаларининг тегишли реестрларига киритилади.

Реестр дафтари ип билан тикилади, рақамланади ва унинг орқа томонида бетлар сони, дафтар юритилиб бошланган санаси (йил, кун, ой) кўрсатилади, муҳр, адлия органи раҳбарининг имзоси қўйилади.

15. Адлия органи қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш ҳуқуқига эга:

юридик маслаҳатхонани ташкил этиш зарурати бўлмаса;

рўйхатдаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса ёки улар лозим тартибда расмийлаштирилмаса;

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза муассислар лицензия олган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин топширилса, агар улар адвокат мақомига эга бўлмасалар;

таъсис ҳужжатлари қонунчиликка тўғри келмаса;

агар рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида (низомларда) ҳақиқий бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар аниқланган бўлса.

Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ушбу Низомнинг 15-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатда рўйхатдан ўтишни рад этиш билан бир вақтда адлия органи томонидан Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади.

17. Рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига ёзма равишда ва рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), агар сабаблар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса.

Агар ариза берувчи рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этса, рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатлар адлия органи томонидан барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза топширилган кундан бошлаб ўн кун муддатда, ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар эса — беш кун муддатда кўриб чиқилади.

Рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат тугагандан кей-

ин топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади.

18. *Ариза берувчи адлия органининг рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиши мумкин.*

19. Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати банкда ҳисоб рақами очганидан кейин бир ҳафта муддатда ўзи жойлашган ҳудуддаги давлат статистика органларида ва давлат солиқ хизмати органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши керак.

## IV. АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

20. Адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларига (низомларига) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказган (ҳисобга олган) адлия органига етти кун муддатда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати ваколатли органларининг таъсис ҳужжатларига (адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари учун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

ҳудудий бошқарма раҳбарининг юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи (юридик маслаҳатхоналар учун);

уставга ва (ёки) таъсис шартномасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъатининг муҳри қўйилган икки нусхадаги матни (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати учун);

юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларнинг уни ташкил этган ҳудудий бошқарма муҳри қўйилган икки нусхадаги матни (юридик маслаҳатхоналар учун);

ном ўзгартирилганда — рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ҳамда адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш номлар йўқ эканлиги тўғрисидаги маълумотнома, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек икки нусхада янги штамп ва муҳр намуналарининг эскизлари;

белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

адвокатлик тузилмасини ажратиб чиқариш ёки қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилинганда — қайта ташкил қилинаётган адвокатлик тузилмасининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги низомни ўз ичига олган бўлиш баланси ёки топшириш далолатномаси, шунингдек қўшилаётган адвокатлик тузилмасининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи.

21. Адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларига (низомларига) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур адвокатлик тузилмалари рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши керак.

22. Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли адлия органлари томонидан адвокатлик тузилмалари реестрига («Қўшимча маълумотлар» устунига) киритилади.

23. Почта манзили ўзгарганда адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари ва юридик маслаҳатхоналарни ташкил этган ҳудудий бошқармалар ўн кун муддатда рўйхатдан ўтказган (ҳисобга олган) адлия органини бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Бунда давлат божи ундирилмайди. Адлия органлари билдиришномани олган вақтдан бошлаб икки кун муддатда бу ўзгаришлар тўғрисида давлат статистика органларига ва давлат солиқ хизмати органларига хабар берадилар.

## V. АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

24. Адлия органлари рўйхатдан ўтказувчи органлар сифатида адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, уставдаги фаолиятга, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат қиладилар.

Қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган тақдирда, адлия органлари адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларига аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир. Юридик маслаҳатхоналар фаолиятида қонунбузарликлар аниқланганда тақдимномалар адлия органлари томонидан ушбу юридик маслаҳатхоналарни ташкил этган ҳудудий бошқармаларга киритилади.

25. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тартиби бузилганда, шунингдек таъсис ҳужжатларининг талабларига риоя этилмаганда адлия органи адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва тегишли ҳудудий бошқармадан хўжалик суди орқали энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Жарима Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бундай даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилишда адлия органлари давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Агар адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати жарима ундирилгандан кейин қонунчиликни ва таъсис ҳужжатлари талабларини бузишда давом этсалар адлия органи хўжалик судига уларни тугатиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

26. Адвокатлик тузилмалари ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб борадилар ва тегишли ҳудудий бошқармаларга Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган шакл бўйича ва муддатда статистик маълумотлар тақдим этадилар.

## VI. АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

27. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш уларнинг муассислари (шериклари, аъзолари) қарорига биноан амалга оширилади.

28. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини тугатиш уларнинг муассислари (шериклари, аъзолари) ёки хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади.

Адвокатлик бюросининг муассиси бўлган адвокатнинг лицензияси амал қилишининг тугатилиши адлия органининг даъво аризасига кўра ушбу адвокатлик бюросининг тугатилишига олиб келади.

29. Юридик маслаҳатхоналар фаолиятини тўхтатиш уларни ташкил этган ҳудудий бошқармаларнинг қарорига биноан амалга оширилади.

30. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш ҳамда юридик маслаҳатхоналар фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувлар тегишли адлия органлари томонидан адвокатлик тузилмалари реестрига киритилади.

## VII. ЯКУНИЙ ҚОИДА

32. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (7-СОНЛИ БҲМС) «НОМОДДИЙ АКТИВЛАР»ГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-1.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 8-сон, 79-модда)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»-га (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 21 январь*
*7-сон.*

***2009 йил 24 февралдан кучга киради.**

*ЎзР молия вазирининг*
*2009 йил 21 январдаги 7-сон буйруғига*
ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТИ (7-СОНЛИ БҲМС) «НОМОДДИЙ АКТИВЛАР»ГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 6-банднинг:

«б» кичик банди қуйидаги мазмундаги жумлалар билан тўлдирилсин:

«Бунда активнинг қиймати бир бирлик (комплект) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақи миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қилади. Корхона раҳбари номоддий активлар таркибида ҳисобга олиш мақсадида ҳисобот даври учун активлар қийматининг камроқ чегарасини белгилашга ҳақли»;

«д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) идентификациялаш имконияти».

2. 7-банднинг биринчи хатбошиси «агарда у» сўзларидан кейин «қуйидаги мезонлардан бирига мувофиқ келса» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. 10-банднинг:

«з» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи»;

ўн биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Қуйидаги мазмундаги 22¹ **хатбоши билан тўлдирилсин:**

«22¹ Мазкур БҲМСнинг 14-бандида назарда тутилган харажатлар амалга оширилган тақдирда, корхона томонидан номоддий активлар объектлари устав капиталига қўйилма ҳисобига текин ёки айирбошлаш асосида қабул қилинганда номоддий активнинг таннархи ушбу харажатлар суммасига ошади».

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛДАН 27 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

## I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Дивиденд тарзидаги даромадларни солиқ солишдан озод этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 11, 64, 2009-6-сонли қарори.*

***2009 йил 10 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1901 (2009 йил 20 февралдан кучга киради).***

2. «Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 январдаги 40-3-сонли қарори.*

***2009 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 467-3 (2009 йил 22 февралдан кучга киради).***

3. «Инновация илмий-техника дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фанлар академиясининг 2008 йил 30 декабрдаги 8, 12, 270, 65, 44/2-сонли қарори.*

***2009 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1706-1 (2009 йил 22 февралдан куч-***

***га киради).***

4. «Кон-металлургия ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги 2/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1902 (2009 йил 23 февралдан кучга киради).***

1. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 21 январдаги 7-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).***

2. «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 3 февралдаги 2009-08, 13, 289-В-1-сонли қарори.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).***

3. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-11-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).***

4. «Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-арок соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги 1/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1903 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).***

5. «Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 январдаги 3/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1904 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).***

6. «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мҳ-сонли буйруғи.*

***2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905 (2009 йил 1 июндан кучга киради).***

7. «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги 16, 2009-8-сонли қарори.*

***2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1906 (2009 йил 27 февралдан кучга киради).***

8. «Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 январдаги 4/Б-сонли буйруғи.*

***2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 431-1 (2009 йил 27 февралдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 979, 2000 йил 16 октябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

# top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 13 (194) 2009 йил 21 март

## "BEHZOD YUM" XK

2000 дан ортиқ номдаги товарлар

Канцелярия ва хўжалик товарлари

Улгуржи ва чакана савдо



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod_yum@mail.ru

Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

---

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

SANAY Co.Ltd

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

---

## КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КЎРА... ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР, ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ



буюртмага тайёрлаш

Т.: 746-80-72
127-80-72

---

"Elite stamp" МЧЖ

## МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил штампчалар, шунингдек автоматик жиҳозлар

Хизматлар лицензияланган

тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045.
e-mail: elitestamp@mail.ru

---

Хизматлар лицензияланган

## РЕЛМОН-ГАРАНТ

адвокатлик бюроси

хўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39
919-39-10, 188-98-11

---

ЯНГИЛАНГАН NISSAN TIIDA — ҲАРАКАТДАГИ ҚУЛАЙЛИК



Товар сертификатланган

## TIIDA

Ажойиб динамика ва ўзига хос кенг салон. Йўлдаги ишонч ва ички сайқалнинг юқори сифати. Ҳар бир деталнинг бекаму кўстлиги. Ишончлилик, хавфсизлик ва шинамликнинг ўзига хос муҳити.

NISSAN SHIFT_lifestyle

МАХСУС ТАКЛИФ
Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьютори Premium Autoкомпаниясидан. 295 88 77

Нархи 32 000 $ дан* 2 йил кафолат ёки 50 000 км босиш + ОСГО СОВҒАГА
*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олиб кўрсатилган

Н306

---

товар сертификатланган

## ҚУВУРЛАР

полиэтилен
d 16 мм дан 800 мм гача, қалинлиги буюртмага кўра монтаж билан

Н1366-1



иссиққа чидамли ва иссиқхона

## ПЛЁНКАСИ

эни 20 см дан 200 см гача, қалинлиги буюртмага кўра

КЛЕИ — ЕЛИМ — ёрлиқбоп

Шартномавий нархлар

Факс 228-14-56, тел.: 103-14-38, 130-19-76

---

OPEL ни ўзингиз учун кашф этинг

Буюртмага Н310



Кафолат 2 йил (юриши чекланмаган)

Insignia – 2009 йил автомобили

CAR OF THE YEAR 2009

"SANAR" ХК "Adam Opel AG" компаниясининг расмий дилери

Манзил: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А
"Chevrolet" автосалони (мўлжал – "Буюк ипак йўли" м.)
Тел.: (998 71) 140-00-61, 140-00-62,
Уяли (998 90) 325-88-87, 178-75-77
e-mail: opel@sanar.uz

discover OPEL

---

## 1С Предприятие 8.1

Ўзбекистон учун бир ечимда

1С франчайзи Bekas Plus

АВТОМОБИЛЬ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ ВА ЧАКАНА САВДОСИ УЧУН ДАСТУР

Бух. ҳисоби + иш ҳақи + ишлаб чиқариш + савдо + хизматлар = 1С: Предприятие 8.1

Манзил: Тошкент ш., Паркент кўч., 131
Тел.: 269-33-17, 108-59-63, 328-67-55

---

1С:ФРАНЧАЙЗИНГ — FILOSOFTIKA

"1С:Предприятие 8" платформасида корхоналарни комплекс автоматлаштириш

- Ўзбекистон учун намунавий конфигурациялар:
  - 1С:Бухгалтерия 8
  - 1С:Иш ҳақи ва Ходимларни бошқариш 8
  - 1С:Савдони бошқариш 8
  - 1С:Ишлаб чиқариш корхонасини бошқариш 8
- Татбиқ этувчи лойиҳаларни малакали бошқариш
- Маслаҳатлар ва фойдаланувчиларни ўқитиш
- Якка тартибда ёндашув
- Сертификатланган мутахассислар

Тошкент ш., Навоий кўч., 18, 406-408-хона (Ёш томошабинлар театри рўпарасида) info@filosoftika.uz www.filosoftika.uz

Қуйидаги телефонлар орқали бепул тақдимот маросимига буюртма беринг: (998 71) 120-14-00 241-72-00, 241-73-00

## 1С:ПРЕДПРИЯТИЕ 8

---

## «Mumtoz plus» МЧЖ ЖОНЛИ ИЖРО

«Мумтоз» ансамбли қувончли кунларингизда элимиз севган куй ва қўшиқларни фақат жонли ижро этишга буюртмалар қабул қилади.

Телефонлар: 244-02-40; 412-71-41.

Тўлов – исталган шаклда.

Хизматлар лицензияланган.

---

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

---

## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

